

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети.

“Ҳимояга рухсат этилсин”  
Факультет декани  
\_\_\_\_\_ К.Гулямов  
<<\_\_\_\_\_>> \_\_\_\_\_ 2014-йил

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йуналиши 4-босқич талабаси.

Рахматова Нилуфар Жамолиддин қизи.

**Мавзу: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАСВИРИЙ  
САНЪАТ ДАРСЛАРИДА МАНЗАРА ЖАНРИ ОРҚАЛИ ИЖОДИЙ  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.**

“Самарқандда баҳор” тарихий обидалари мисолида

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ.**

\_\_\_\_\_ талаба Рахматова Нилуфар.  
Илмий раҳбар: Тасвирий санъат ва уни  
ўқитиш методикаси кафедраси  
катта ўқитувчиси  
\_\_\_\_\_ Ҳ.Султонов  
Такризчи: \_\_\_\_\_

“Ҳимояга тавсия этилсин”  
Тасвирий санъат ва уни ўқитиш  
Методикаси кафедрасининг мудири  
п.ф.н.доц \_\_\_\_\_ Б.Бойметов  
<<\_\_\_\_\_>> \_\_\_\_\_ 2014-йил

Тошкент-2014

**Мавзу: Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўннат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш. “Самарқандда баҳор” тарихий обидалари мисолида**

Режа.

Кириш.

I. Боб. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўннат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг назарий асослари.

1. §. Тасвирий сўннатнинг ривожланиши тарихи.
2. §. Тасвирий сўннат ўқитувчилари тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари.
3. §. Тасвирий сўннатда композиция асослари, манзара композицияси.

Асосий қисм.

II. Боб. Мавзу Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўннат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш методлари ва амалга кўлаш.

2.1 § Битирув малакавий иш мавзусини танланиши ва уни бажариш жараёни.

2.2 § Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўннат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш.

“Самарқандда баҳор” тарихий обидалари мисолида.

## МУНДАРИЖА.

Кириш. ....1-3

I.Боб1. § Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўзнат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг назарий асослари. ....3-6

2. § Тасвирий сўзнат ўқитувчилари тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари. ....6-7

3. § Тасвирий сўзнатда композиция асослари, манзара композицияси.7-11

### Асосий қисм.

II. Боб. Мавзу Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий сўзнат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш методлари ва амалга қўлаш.

2.1. § Битирув малакавий иш мавзусини танланиши ва уни бажариш жараёни.....11-12

2.2. §. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларни тасвирий сўзнат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш.  
“Самарқандда баҳор” тарихий обидалар мисолида.....13-28

Хулоса.....29

Фойдаланилган адабиётлар.....30

## **Кириш.**

### **Малакавий битирув ишининг долзарблиги.**

Юртимизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтларида ёшларга миллий саънат намуналарини ўқитишнинг илмий асосланган янги шакли, методлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда ёшларни бадиий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаб вояга етказиш борасида кўплаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёш авлодни бадиий жиҳатдан баркамол ватанга ва миллий саънатга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказишда тасвирий саънат хусусан, қаламтасвир ва рангтасвир предметининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида олий ўқув юрти факультетида олиб борилаётган махсус фанларнинг чуқур ва асосли бўлиши тақозо этилиб, педагог ва олимлар зиммасига катта вазифаларни белгилайди.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатамиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш; замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш;

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқсав, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

Иқтисодий таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

Илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишда доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар

томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда Ватанга мухаббат рўҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “Оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бугунги куннинг энг долзарб масалалардан биридир.

Ҳозирги вақтда бадий-графика факультетларида мутахасислик фанлар, жумладан қаламтасвир ва рангтасвир машғулотларини ўқитишнинг ва методик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий жиҳатдан асосланган янги йўли, шакли мазмуни ҳамда методларини шакллантириш, долзарб муаммолардан ҳисобланади.

### **Малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.**

Талабаларга тасвирий саънат тарихи ва унинг ривожланиши ҳақида тўла маълумот бериш.

Талаба ёшларни қаламтасвир ва рангтасвир орқали ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш.

Ўқувчиларни тасвирий саънатдаги композиция асослари, манзара композицияси қонуниятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларини бойитиш учун тўла маълумотлар бериш.

### **Малакавий ишнинг объекти.**

Бадий графика факультети ва касб-ҳунар коллежида мутахасислик фанлари (қаламтасвир ва рангтасвир) машғулотлар жараёнидир.

### **Малакавий ишнинг методологик асослари.**

Бу Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши, “Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси” нинг ташкил этилиши.

Мавзуга оид педагогик, психологик адабиётлар буюк алломаларнинг қаламтасвир ва рангтасвир ва манзара ҳақида билдирган фикрлари.

### **Малакавий ишнинг амалий аҳамияти.**

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларга методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш, методларини аниқ кўрсатиб беришдан иборат.

Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчилари қаламтасвир ва рангтасвир бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш ҳамда ўз касбининг малакали мутахасиси бўлиб етишларига эришиш.

Тасвирий саънат машғулоти касб-хунар коллежи талабаларининг педагогик фаолияти ва бадиий ижодкорлигини, қобилиятларини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

## **I. Боб. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини тасвирий саънат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг назарий асослари.**

### **1. § Тасвирий саънатнинг ривожланиш тарихи.**

Инсон саънат билан жуда қадим замонлардан шуғуллана бошлаган. Саънат қадим-қадимда кишиларнинг меҳнати жараёнида юзага келди.

Инсоннинг меҳнат жараёнида, ов пайтларида идрок этган дастлабки образлари инсон қўли, ёввойи ҳайвонлар образи бўлган эди. Саънат инсон ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир қисми ва эҳтиёжга айлангач, у ўз асарларида жамоа, жамият интилишларини ифодалайдиган бўлди.

Саънатнинг юзага келиши инсоннинг объектив воқелик тўғрисидаги билимларининг чуқурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан баҳраманд бўлишга олиб келди.

Саънат ҳаётни билиши, уни алоҳида воситалар ёрдамида акс эттириши ва жамоага муайян таъсир кўрсатиши натижасида ижтимоий формаларидан бирига айланади, унга фақат борлиқни ўзлаштирувчигина эмас, балки инсонни янги билим ва образли тасавурлар билан бойитувчи қудратли бир куч деб қаралади.

Саънатнинг, шу жумладан, тасвирий саънатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ҳаётни акс эттиради, дунёни билишда инсонга ёрдам беради, уни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Тасвирий саънат асарлари инсон учун битмас-туганмас маънавий бойликдир.

Ибтидоий инсонлар ҳаётини археологик қазилмалар ёрдамида тасаввур этишимиз мумкин.

Ўша давр одамларининг қўли билан яратилган тасвирларни кўриб, улар ҳаётини тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қиламиз.

Бу жиҳатдан ўнга ўн минг йиллар бурун яшаган, номаълум рассомлар томонидан ишлаган ов манзаралари алоҳида аҳамиятга эга.

Одамнинг қандай ов қилганини, ўша вақтлардаги ёввойи ҳайвонларнинг турларини Ўзбекистоннинг Термиз шаҳри яқинидаги Заравусто дарасида топилган бир тошга ўйиб ишланган расмлар ёрдамида тасаввур этишимиз мумкин. Хоразмда топилган ёдгорликлар, айниқса Тупроққаладан III-IV асрга мансуб бўлган ва ҳозирда қўлга киритилган ҳайвон, деворий расмлар қадимги ўзбек саънати билишда муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилади.

Саънатнинг турлари жуда кўп. Шулардан бири тасвирий саънатдир. Тасвирий саънат рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик каби турларга бўлинади. Тасвирий саънат турларининг яна бирига хос хусусиятларини

билиш, бадий асарни тушуниш, тасвирий саънат асарларини ўқиш суратни томоша қила билиш усулини эгаллашнинг бошланғич босқичидир.

Тасвирий саънат тушунчасига нафис саънат графика, ҳайкалтарошлик, амалий саънат киради.

Тасвирий саънат турларининг ҳар бири ижодкор танлаган воқеликни ёзига хос воситаларда, ўзига хоос бадий тилда тасвирлайди.

Бу саънат турлари ичида энг кенг тарқалгани рангтасвирдир. Рангтасвир саънатида реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар буюклар ёрдамида мато, қоғоз, фанера ва бошқа махсус усуллар ёрдамида жисмнинг кабариклигини, макони, ҳажмини яратади.

Рангтасвир асосан бешта унсур (элемент) дан иборатдир. Бу унсурлар буюм шаклини, рангини ёритишини, ясалган материалини, тасвирланар ҳоказолар ҳам катта аҳамиятга эга.

Ранг-тасвир саънатиининг жонидир.

Бадий асарнинг ҳиссий, маънавий эмоционал тасвирини оширишда рангнинг роли ниҳоятда каттадир.

Юқорида такидлаб ўтканимиздек тасвирий саънат қадимдан мавжуд. Вақт ўтиши билан у мураккаб шаклланиб боради. XV асрга келиб уйғониш даврида тасвирий саънат жуда ҳам ривожланди. Леонардо до Винчи, Рафаэл, Микеланджелолар инсон образини юқори даражага кўтардилар ва асарлар яратдилар. Буларга Рафаэлнинг “Сектин капелла”, Леонардонинг “Махфий кеча”, “Джоконда” (Мона Лиза), Микеланджелони “Давид” ҳайкали асарларини мисол келтириш мумкин.

Худди шу даврда Ўрта Осиёда илм фан, адабиёт, саънат гуллаб яшнади. Ҳусайн Бойқаро саройида, Алишер Навоий раҳнамолигида кўплаб шоир, мусаввирлар ижод қилишди.

Темур ва Темурийлар давридам яратилган Бибихоним мачити, А.Темур мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Шохи-Зинда ансамбили-буларнинг ҳаммаси халқ бадий меросининг ёрқин саҳифасини ташкил этибгина қолмай балки жаҳон тасвирий саънати тарихи саҳифаларида ўзининг фахрли ўрнини эгаллайди.

Шу даврда минатюра саънати соҳасида сезиларли жонланиш бўлди. Камолиддин Бехзод, Махмуд Музаҳхиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқа мусаввирлар минатюра санъатининг нодир намуларини яратиб қолдирдилар.

Булар орасида айниқса, Камолиддин Бехзоднинг фаолияти диққатга сазовордир. У ўзининг машҳур Шайбонийхон портретини яратган. Буюк А.Навоийнинг ғамхўрлигида камол топган Бехзод Саъдийнинг “Бўстон”, “Тулистон”, Низомийнинг “Хамса”, Хисраб деҳлавининг “Хамса”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларига кўплаб сарутилар чизган.

XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Урганч, Тошкентда яратилган меъморлик обидалари, декоратив амалий саънат буюмлари ўзбек халқининг гузалликка бўлган интилишидан далолат беради. Мусаввир ва усталарнинг ижодида ўзбек халқининг бой анъаналари давом эттирилган.

Ўзбекистонда тасвирий саънат XX аср бошларида янада ривожланиб камол топди. Ўзбекистон тасвирий саънатининг тарихий саҳифаларини бирма-бир варақлар эканмиз, ўлкадаги доимий эстетик бойликлар, ҳақиқий бадиий кашфиётлар халқ турмушининг асосий томонлари билан боғлиқ ҳолда яратилганлиги маълум бўлади.

1918-20 йилларда Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бадиий мактаблар очилди. Уларга кўплаб маҳаллий ёшлар жалб этилди. Ёш рассомларга О.К.Татевосян мураббийлик қилди. Унинг илк ижодидаги асарлар асосан Самарқандга бағишланган. Ўша йиллари Фарғонада туғилиб ўсган Александр Волков ранг-баранг ва фалсафий мазмунга бой асарлар яратди.

Воронеждан келган, бутун умр Тошкентда яшаб ижод қилган Усто Мумин (Николаев) “Баҳор”, “Беданабоз”, “Дўстлик”, “Муҳаббат”, “Киёв”, “Чойхоначи” нафис, лирик, шоирона асарлар яратди.

1930-йилда рус рассоми Павел Петрович Беньков Самарқандга кўчиб келиб, 20 йил давомида Самарқанд рассомчилиқ билим юртида ёшларга билим берди.

Бухоро, Хива, Самарқанд ҳақида жуда кўп полотнолар ишлаган. Рассом ярим манзара ва ярим маиший жанрда кундалиқ халқ турмушини қадимги нодир меъморчилик фонида усталик билан тасвирланган.

Рассомнинг “Дугоналар”, “Дуторчи қиз” асарлари дўстлик мавзусида яратилган йирик асарлардир.

20-30 йиллардан Баҳром Ҳамдамий, Лутфулла Абдуллаев каби ёш рассомлар Ўзбекистон саънатидаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Урушдан кейинги йилларда А.Абдуллаевнинг А.Ҳидоятлов портрети, Ойбек, Ў Тансиқбоевнинг “Қайроқум ГЭС тонг”, П.Аҳмедовнинг “Она ўйлари” П.Темуровнинг “Самарқанд”, Н.Қарахоннинг “Олтин куз”, М.Саидовнинг “Хирмонда”, Ч.Ахмаровнинг деворий расмлари ўзбек тасвирий саънати тарихида муносиб ўринни эгаллади.

1954-йил. Ташкент театр ва рассомчилик институти қошида рассомчилик факультети ташкил топди.

Тошкент театр ва рассомчилик институти қошидаги рассомчилик факультетида Раҳим Аҳмедов, Маннон Саидов, Н.Қўзибоев каби рассомлар дарс беришди.

1955 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бадиий графика факультети ташкил этилди. Унда Т.Оганесов, М.Саидов, А.Тольдрек, М.Юравский, В.Кобин, Ю.Елизаров, М.Набиевлар ёшларга дарс беришди.

Айниқса Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиевнинг хизматлари жуда катта. У 25 йил давомида кафедра мудири бўлиб ишлади. Ёшларга касбий йуналишда уларни рассом-ўқитувчи бўлиб шаклланишида хизматлари беқиёс.

Ҳозирги вақтда факультетда малакали ўқитувчилар, мутахасислар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистонда ажойиб истеъдодли рассом ва ҳайкалтарошлар етишиб чиқди. Булар ичида Искандар Икромов, Чингиз Ахмаров, Малик Набиев,

Маннон Саидов, Дамир Рўзибоев, Илҳом Жабборов, Жавлон Умарбеков, Боҳодир Жалилов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Неъмат Ҳақимов, Осимхон Восихонов, Темур Саъдуллаев, Ғофур Абдурахмоновлар алоҳида мавқега эга.

Ўзбекистон халқ рассоми Б.Жалолов замонавий рангтасвир саънати ривожига катта ҳисса қўшиб, унинг ижодида олам сирлари ўзгача талқин этилади. Бунга, “Гул ва Райҳон афсонаси”, “Нидо”, “Бахт қуши”, “Абадий ва навқирон Ҳиндистон”, “XX аср Мадоннаси” каби, асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон тасвирий саънати тарихи жаҳон тасвирий саънати тарихининг ажралмас қисмидир.

Ўзбекистон саънати ҳозирги даврда бой меросга эгадир. Ўзбекистон рассомлари бутун дунёга машҳур ва таниқли бўлиб қолди.

## **2. § Тасвирий саънат фани ўқитувчиларим тайёрлашнинг мақсади ва вазифалари.**

Педагогика университети бадиий графика факультетларида тасвирий саънат ва муҳандислик графикаси ўқув фани сифатида мутахасис ўқитувчиларни тайёрлаш асосий ўринни эгаллайди.

Бу фанни ўрганишдан асосий мақсад келажак ўқитувчиларини мутахасислик билими билан бирга ижодий қобилиятини ўстириш, мактабда, касб-ҳунар коллежларида мустақил ўқув тарбия ишларини олиб боришни шакллантиришдан иборат.

Жамиятимиздаги ҳозирги тараққиёт даражаси юксалаётганлиги туфайли ўтмишнинг турли саънат сирларига ва дунёқарашларига нисбатан адолатли муносабат, тўғри ва тубдан илмий ёндошишлар вужудга келди. Тасвирий саънат ва унинг тарихидаги намуналари ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Саънат сирларини ҳар жиҳатдан ўрганишни талаб этади.

Тасвирий саънат асарларининг бадиий қимматини таҳлил қила билиш ва талабларида, ўқитувчиларда бадиий идрок қилиш билimini, шунингдек, мукамал характерга эга бўлган саънат асарларини ажрата олиш савиясига эга бўлиш учун таълим мазмунини такомиллаштириб боришни тақазо этади.

Ҳар қандай саънат асари ижтимоий фикр маҳсули бўлиб, у асосан ўзида инсоний қадриятларни акс эттиради.

Бўлажак рассом-педагоглардаги билим ва тушунчалар савиясини тўла шакллантиришга эришиш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Рассом ўқитувчилар уқувчи ва талабаларнинг тасвирий саънат бўйича бадиий дидини тарбиялашда, мустақил Руспубликамизнинг янги жамият курувчиларининг эстетик жиҳатдан тарбиялаш, маданият бадиий дидларини саънат асарлари билан таништириш, уларда эстетик фикр мулоҳазалар таркиб топтириш, саънат асарларини кўриш ва тушуниш кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Тасвирий саънат ўқитувчиси ўз соҳасида чуқур маълумотга эга мутахасис бўлмоғи керак.

Замонавий саънат жараёнини юналишини яхши англаб тушуниши, ўтилишни маданий меросларимизга тўғри баҳо бериш, саънатшунослик терменларини билиши ва шу билан бирга ҳар хил бадиий материаллар воситасида ҳамма эгаллаган бўлиши керак.

Рангтасвир бу ҳақиқатни англаш бўлибгина қолмай инсон ҳиссиётини шакллантиради, саънат оламини кўришга ўргатади. Тасвирий саънат эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам касб-хунар коллежлари, ўрта мактабларда ўқув режаси ва дастури буйича тасвирий саънат асарлари тўғрисида суҳбат дарс машғулотлари кўзда тутилган. Тасвирий саънатнинг негзи қаламтасвир, рангтасвир ва композициядан иборат. Тасвирий саънат курси икки қисмдан: Назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Қаламтасвир, рангтасвир, композиция ҳақидаги маърузалар, амалий машғулотларни онгли бажаришда назарий тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Назарий ва амалий машғулотларда олинган билимлар талабаларнинг мустақил машғулотларда мустаҳкамланади.

Ўзбекистон тасвирий саънати тарихида яратилган асарлар ва буюк мутафаккирлар ҳаётдан, фаолиятдан андоза олган ҳолда ўлкамизнинг маҳаллий шароитига мос ва жаҳон андозасига жавоб берувчи рассом-педагоглар тайёрлашдаги таълим мазмуни ва муаммоларини аниқлаб, таҳлил этиш асосий мақсад ҳисобланади.

Тасвирий саънат таълимнинг мазмунида шу назарда тутилганки, олий ўқув юртларида таълим олаётган бўлажак мутахасис ўқитувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаб, бадиий дидларини юксалтириш, шакллантиришдан иборатдир.

Ёшлигимда расмлар чизишга жуда ҳам қизиқар эдим. Мактабда ўқиган давримда тасвирий саънат фанига ва расм чизишга бўлган қизиқишим тобора ортиб борди.

2010-йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетининг тасвирий саънат ва муҳандислик графикаси факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлдим.

Таҳсил олиш жараёнида қаламтасвир, рангтасвир композиция асослари, саънат тарихи, тасвирий саънат ўқитиш методикаси, бадиий безаш, амалий саънат, чизма геометрия, чизмачилик, муҳандислик графикаси фанларидан билим олдим. Мактабда сўнгра касб-хунар коллежида олиб бораётган педагогик ишларим ўқувчиларда катта қизиқишлар уйғотди.

### **3. § Тасвирий саънатда композиция асослари, манзара композицияси.**

Композиция асосларини ўрганишдан мақсад амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш, ва мустақил тасвирий саънат устида ишлашни шакллантиришдан иборатдир.

Амалиётда композициянинг зарур унсурлари, услубий шартлари бўлган соя-ёруғ ранг ечими ҳамда унинг жозибadorлиги чизиқлар, тус доғларини кетма-кет такрорланиб узвийлик ҳосил қилиши, катта ва кичик ўлчамлар билан белгиланган нисбат ва перспектива ўзгаришлар

муносабатлари, кўриш бурчаги биргаликда асар мазмунини очиб берувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай ижодкор ўтмишдаги рангтасвир саънати усталари меросини ва тажрибалирини ўрганиш билан бирга, томошабинга чуқур таъсир этувчи тасвир, композиция қонун услубиятини ҳам ўрганади.

Амалиётда композициянинг зарурий унсурлари мавжуд.

Яхлитлик қонуни, ўхшатиш, контраст қонун воситалари мазмувни ва ғояга бўйсўниш композициянинг асосий қонунлари ҳисобланади.

Композицияда яхлитлик белгиси қонунига риоя қилинганлиги сабабли, саънат асари бўлинмас бир бутун бўлиб кўринади. Композиция яхлитлигида композиция элементлари шакл, ҳажм, “доғ”, оралиқ характер нусха, имо-ишора билан ифодаланади.

Композициянинг асосий қонунларидан бири контрастлик қонунидир. Леонардо да Винчи “Рангтасвир қонунлари” илмий асарида ўлчам қарамақаршилиги ҳақида, катта-кичик, паст-баланд, юпқа-қалин, характер, фактура, материаллар контрасти тўғрисида ёзади.

Ҳозирги вақтда биз композицияни назарий асосларини икки гуруҳга ажратамиз.

1. Композиция қонунлари. 2. Композиция қоида ва усуллари.

Композициянинг асосий усулларидан бири ритми ифодалаш, композиция мавзуси марказини аниқлаш, симметрик ёки ассиметрик ҳолати, массани иккинчи пландаги кенгликдаги асосий қурилмасини жойлаштириш. Ритм ҳаётда ва саънатда мавжудлиги рассом учун яхши белги, воситадир. У бир элементни оралиқда галма-гал қайтаришидир.

Асар ғоясини композиция тузилишини идрок этишда ритм эстетик образи тасаввур ролини ўйнайди ва контраст ранг, тон қонунларига суянади.

Узоқ кенгликни очик манзарада горизантал ҳолатда тасвирланса, кенлик бепоён, катта бўлиб туюлади. Композицияни паралел, вертикал йўналишда бўлиши тантанали улуғвор, кўтаринки рух ҳолатини англатади.

Чизиқ штрих, рангли ва тусли доғ (суртма) соя-ёруғ, ранг, чизикли, ҳаво ва ранг перспективалари композициянинг воситаларидир.

Композиция амалда дастлаб қаламтасвирда бажарилади. Кейинги босқичда штрих чизикларни қалинлиги орқали предметларни соя, ёруғ жойларига шакл бериб, чуқурлик, масофани ифодалашга ёрдам беради.

Ранг ва тус композиция тузишда муҳим роль ўйнайди. Асарда пластик ҳажм, чизикли, ҳавойи рангли перспективаларни роли каттадир.

Композиция курсинининг асосий вазифаси талабаларда, ўқувчиларда ижодий фикрлашни, саънатни идрок этишни ва таҳлил қилишни, ҳаётни кузатиш ва образли тасаввур этиш, бадиий эстетик дид ва маданиятни шакллантириш, уларни бадиий-педагогик фаолиятга тадбиқ қилишдир.

Композиция амалий ҳамда назарий қисмдан иборат. Назарий маърузалар аудиториядаги амалий машғулотларни, уй вазифаларини онгли равшда бажаришни талаб этади.

Амалий қисмда асосий мақсад талабаларда ижодий қобилиятни шакллантиришига, ҳаётни кузатиш, уни тасвирий воситалар билан акс эттириш, босқичма-босқич эскизни охиригача етказишдан иборатдир.

Композиция эскизини мазмун ғоясини мақсад ва вазифаларини онгли равишда идрок этиш муҳимдир.

Ҳар қандай саънат асарининг негизини композиция ташкил этади. Ижодий жараёнда рассомнинг диди, лаёқати композицион маданияти, билим савияси намоён бўлади. Композиция ўқув предмети ҳайкалтарошлик, меъморчилик, графика, қаламтасвир, рангтасвир, саънат тарихи каби мутахасис фанлар билан узвий боғлиқдир.

Натюрморт композицияси, интерьер композицияси, манзара композицияси, портрет композицияси, маиший жанрдаги тематик композиция, дастгоҳли ва китоб графика композицияси, плакат композицияси маҳобатли безак саънати композицияси композиция саънатининг асосий қонун қоидаларига биноан тузилади. Ҳозирги замон саънати ривожланишига, рассомнинг ижодий изланиши янги мазмунли ғоя, инсонларнинг маънавий-маърифий талабларини қондириш билан боғлиқдир. Шунинг учун картина композицияси ечими, мураккаб руҳий ҳолатни топиш рассомдан кундалик ҳаётидаги гузалликни акс эттириш муаммоларини, замондошларнинг ички ҳис-туйғуларини сезишни, тўғри чуқур тасаввур этишни талаб қилади. Шунинг учун рассом ўқитувчилардан композиция фанининг энг мураккаб ва муҳим фан сифатида ўрганиш талаб этилади.

Манзара жанри табиатдаги турли кўринишларнинг тасвирий саънатда акс эттиришидир. Тоғ, ўрмон, денгиз шаҳар ва қишлоқ манзараларининг, обидаларнинг манзарада кўринишлари аниқ бир мазмунни бериб ҳаётий маънони англатса ва шу кўринишда мақсад мазмунга эга бўлса бундай асар-манзара жанрига тегишлидир.

Манзара жанрининг моҳир усталари Клод Лерон, Шишкин, Левитан, Карахан, Тансиқбоев ва бошқа машҳур рассомларни бу борада мисол келтириш мумкин.

Манзарачи рассомнинг шаклланишида ҳам ўзига хос сирлар бор. Бунинг учун табиатни севиш, уни кузата билиш айниқса, ранг-лавҳалар, яъни этюдлар устида ишлай билиш талаб қилинади.

Бу борада Ўзбекистон табиатининг сермазмун манзараларини тасвирлаган Николай Карахан ижоди диққатга сазовордир. Манзара-тасвирий саънатнинг қадимий жанрларидан бўлиб, тарихий маиший асарларда ҳам восита фон сифатида муҳим роль ўйнайди.

Қадимий Хитой саънатида рассомлар табиатни акс эттирувчи асарлар яратганлар.

Европада манзара жанри тарихи XVI-XVII асрларда тараққий этди.

Голландия манзарачи рассомлари табиатни ўхшатиб ҳаққоний тасвирлашда катта муваффақиятларга эришдилар.

Россияда манзара жанрининг ривожланиши XVIII асрга тўғри келади. Москва, Петербург архитектура ёдгорликлари Ф.Э.Алексеев томонидан маҳорат билан тасвирланган.

Манзара саънати ташқи дунёнинг гузаллигини акс эттириш билан инсонга ижобий таъсир этувчи кучга эга. Шунинг учун рассом табиат оламини энг нозик, тиниқ ҳолатларини, ранг гармонияларини англаб, табиатга нисбатан бўлган эстетик муносабатини билдиради.

Манзара асарида инсон шахси, ақл заковатини, ички туйғуларини таъсир орқали кўшиқ қилиб куйлайди ва табиат образини яратади. Мисол тариқасида И.Левитаннинг “Олтин куз”, “Абадий сокинлик”, И.Шишкиннинг “Ўрмон йироқлари”, В.Мешковнинг “Урал ҳақида ўйлар” асарларини келтириш мумкин.

Тасвирий саънатда манзара асарлари инсонда табиатга муносабат, муҳаббат ва гузаллик фазилатларини шакллантиради. Рассомлар тарихий ва маиший мавзудаги асарларда бевосита манзарага ҳам мурожат қиладилар, этюд, эскизлар ёзадилар. Бу ҳолда манзара картинада кўшимча фон вазифасини ўтайди.

В.Васнецовнинг “Алёнушка” асари бунга мисол бўла олади. Табиий гузаллигини, замонасига хос янгилик ўзгаришларни К.Юон, Г.Нисский каби рассомлар ҳам ўз асарларида тасвирлаб намойиш этадилар. 50-70-йилларда Ўзбекистонда манзара жанрида ижод этган рассомлар У.Тансиқбоев “Иссиқ кул”, “Нанай йўли”, “Сижжакда баҳор”, П.Темуров Самарқанд архитектура манзаралари туркумини яратдилар.

Ҳозирги вақтда кўплаб, А.Нуритдинов, О.Қозоқов, А.Муминов, А.Мирсоатов каби мустақил Ўзбекистон гузал табиатини мадҳ этувчи мафтункор манзараларни яратиб келмоқдалар.

Манзаранинг бир неча турлари мавжуд: Шаҳар (Архитектура), кишлоқ (тоғ) манзара, саноат ( завод, фабрика, иншоат қурилиш), тарихий, романтик, лирик, панорама (кўринишида) манзаралари шулар жумласидандир.

Буларнинг ҳар бири негизида ифодаловчи мазмун, ғоя ётади. Шаҳар манзарасида шаҳар ҳаёти билан боғлиқ, архитектура, транспорт воситалари, одамлар оромгоҳ боғлар ҳамда ер ости ўтиш жойлари композиция тасвири учун мисол бўла олади.

Кишлоқ манзараси, бепаён кенглик, тоғ манзараси, яйловлар, қоя тоши, ўсимликлар, водийдаги жилвакор сувлар тасвири композиция негизини ташкил этади. Саноат манзараси катта завод ҳовлиси, сув омбори, кўприк, метро қурилиши, техника қурилиши воситалари билан боғланган.

Лирик манзарада табиатни “Эрта тонг”, “Баҳор” каби мавзудаги табиатни нозик, сокин гўзаллигини, унинг уйғотиш ҳолатини акс эттирувчи, инсонга олам-олам қувонч бахш этувчи асарни кўз олдимишга келтирамиз. Манзаранинг композиция воситалари (белгилар): жойни танлаш, кўриш нўқтаси, кўриш чизиғи, фазовий масофа, формат, перспектива, ритм, ноларит, ёруғ, рефлекс, композиция яратиш учун, қаламтасвир рангтасвир соҳаларида мукамал билимга эга бўлиш керак. Натурадан дастлабки чизилган чизиғи рангли этюдлар манзара композициясини тузишда асосий мавзу бўлиши мумкин.

Қишлоқ манзарасини композициясини тасвирламоқчи бўлсак аввал табиатда қуёшни, булутли кунлар, пешин оқшом ҳолатини характерли хусусиятларни синчиклаб кузатиш лозим.

Форматни аниқлаб, уфқ чизиғи, кўриш нўқтасини белгилаб олиш керак. Сўнгра ҳаво ерни текисликда нисбатларини белгилаб, олдинги, кейинги, орқа планни ва предметлар масштабини топиш даркор. Композицияни бир неча вариантларини сангина, кўмир каби юмшоқ материалларда бажариш тавсия этилади.

Бажарилган хомаки эскиз вариантини рангда тасвирлаш асар колоритини аниқлашга ёрдам беради.

Сифатли бажарилган эскиз асосида манзара композициясини якуний нухасини амалда бажариш керак. Уни қоғоз, картон, холст, акварел, гуашь, мойбуёқ орқали амалга оширилади. Бўлажак рассом учун ҳаётни кузатиш, мавзу юзасидан кундалик қаламчизги ва этюдларни бажариш машқларни қилишга киришса мақсадга мувофиқ иш бўлади.

#### **Асосий қисм.**

**II. Боб. Мавзу Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тасвирий санъат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш методлари ва амалга кўлаш.**

#### **2. 1. § Битирув малакавий иш мавзусини танланиши ва уни бажариш жараёни.**

Манзара жанрида расм ишлашга ўргатиш методикасини танлаб, битирув малакавий иш устида иш бошлашимга илмий раҳбарим ўқитувчи Ҳайитбой Султоновнинг маслаҳатлари билан қўл урдим.

Битирув малакавий ишимнинг мавзуси “Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини тасвирий санъат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш”, “Самарқандда баҳор”. тарихий обидалари мисолида.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд жаҳоннинг энг қадимий ва муқаддас шаҳарларидан биридир. IX аср давомида шаклланган турли даврларда ва бугунги кунда тикланган “Шоҳи-Зинда” тарихий обидасини баҳор манзарасида тасвирлашга аҳд қилдим. Самарқандимизнинг гузаллиги барча шаҳарлар гузаллигидан устиндир. Уни жаҳон меъморчилик санъати, маданияти мадинаси бешиги дейилиши бесабаб эмас.

Муқаддас тупроғимизда қад кўтарган Шоҳи-Зинда тарихий обидалар мажмуаси ва уларни турли сеҳрли рангларда безашда қўлланилган муъжизасимон безаклар турлари неча асрлар давомида одамзодни лол қолдириб келмоқда.

Мен учун Самарқанднинг тарихий-маданий ёдгорликлари, обидалари мафтункор ранг-баранг Она табиатидан гузалроқ макон йўқ деб ўйлайман. Шунинг учун “Самарқандда баҳор” Шоҳи-Зинда тарихий обидасини битирув малакавий иш мавзуси қилиб олдим.

Дастлаб бунинг учун бир неча бор Шоҳи-Зинда обидасининг кўринишини кузатиб, натурадан қаламда ва ранг тасвирда этюдлар чиздим. Қаламтасвир ва рангтасвирда бажарилган этюдларни илмий раҳбарим

Ҳайитбой Султоновга кўрсатдим. Илмий раҳбарим Ҳайитбой Султонов этюдларни синчиклаб кўриб, манзара композицияси, манзаранинг бир неча турлари, бу жанрда композиция яратиш учун ранг тасвир соҳасида мукамал илмий тушунча ва маслаҳатлар бердилар.

Шундан сўнг Шоҳи-Зинда обидасининг натурадан дастлабки чизилган чизги рангли этюдлари, манзара композициясини тузишда асосий мавзу бўлади.

Манзара композицияси эскизлари устида изланишлар давом этди ва бажарилган ишлардан яхши намуналарни “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси” методик бирлашмасига тақдим этдим.

Эскизлар вариантлари кафедрада маъқулланди ва тасдиқланди.

Тасдиқланган эскизлар ва этюдлар асосида асосий Шоҳи-Зинда тарихий обидасининг кўкка бўй чўзган мовий кўш гумбазли мақбараси ва мажмуани тасвирлашга кўл урдим.

“Самарқандда баҳор” Шоҳи-Зинда тарихий обидаси: Шоҳи-Зинда тарихий обидаси мажмуасидаги кўкка бўй чўзган мовий кўш гумбазли мухташа Қози зода Рўмий мақбарасига кириб борувчи яшил майсалар орасидаги йўл, олдинги планда баҳор майсалари, ўтлари гул билан қопланган қир-адирлик тугаши ва якунида гуллаган ўрик дарахтлари, чап томонида дарахтлар билан ўйғунлашган мовий осмонга бўй чўзган кўш гумбази мухташам Қозизода Рўмий мақбараси баҳор манзарасида яхлит кўринишда акс эттирилган. Илмий раҳбарим Ҳайитбой Султонов ишни бажариш жараёнини кузатиб керакли маслаҳат ва илмий фикрлар бериб турдилар. Битирув малакавий ишим муваффақиятли якунланди.

Бунинг учун Ҳайитбой Султоновга ўз миннаддорчилигимни билдираман.

Манзара жанридаги битирув малакавий ишимда касб-ҳунар ўқувчиларини тасвирий санъатга қизиқтириш, табиат гузаллигини ҳис этиш, уни асраб авайлаш, эстетик дидларини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб биламан.

Иқтидорли ўқувчиларни ижодий қобилиятларини ривожлантириб замон талабига жавоб берадиган баркамол ёшларни тарбиялашни ўзим учун шарафли бурч деб биламан.

Шунинг учун олийгоҳда олган билимларимни ўқитувчилик фаолиятимда амал қиламан.

Ҳар қандай санъатнинг тури инсонга ўз таъсирини ўтказиб унда дунёқарашни шакллантиради. Тасвирий санъатни келажак авлодга етказиш учун биз ҳам ўзимизнинг шижобатли ва ғайратли меҳнатимиз билан ўз хиссамизни кўшишимиз зарур деб биламан.

## **2.2. §. Касб-хунар коллежи ўқувчиларни тасвирий санъат дарсларида манзара жанри орқали ижодий қобилиятларини шакллантириш.**

### **“Самарқандда баҳор” тарихий обидалар мисолида.**

Ижодий қобилият инсонни, жамиятни ривожлантирувчи муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчи-ёшларни ижодий қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тасвирий санъат дарслари бу борада кенг имкониятларга эга.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим мазмуни ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб табақалаштириши наразда тутган. Шунга кўра қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни тарбиялашга бўлган эҳтиёж табиийки, янада ортмоқда.

Кўп йиллик педагогик ва психологик тадқиқотлардан маълумки, инсон тайёр қобилият билан эмас, балки истеъдод куртаклари билан дунёга келади. Бу истеъдод куртакларини тўлақонли шаклланиши бевосита таълим-тарбия мазмуни, метод ва воситаларига боғлиқдир.

Маълумки, қобилиятни ирсиятга боғлиқлиги ҳақида турли туман фикрлар мавжуд. Истеъдод наслдан-наслга ўтади деган фараз узок йил давом этди. Чунончи, инглиз астрологи ва психологи Ф.Гальтон қобилияти ирсий йўл билан ўтади, деган фикрнинг тарғиботчиларидан бири бўлган эди. У ҳар бир бола истеъдоднинг таркиб топиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан қобилиятга ва ижтимоий муҳит ва тарбияга ҳам боғлиқ.

Ирсият, можоз қобилиятини белгиловчи асосий омил эмас. Аслида эса истеъдоднинг таркиб топиши маълум объектив сабабларга боғлиқдир. Боладаги зеҳн, майл ва қизиқиш, интилиш бу соҳада етакчи ўрин тутаяди. Зотан, зеҳни ўткир, кузатувчанлик ва тасаввур қилиш қобилияти кучли бўлган кишиларда истеъдод кирралари ривожланган бўлади. Чунки бундай фазилатлар кўп нарсани билиб олишга, мустақил фикрлашга ундайди. Маълумки тасаввур хотирага, хотира эса воқелик ҳодисаларга асосланган.

Шунга кўра хотира билан тасаввур бир-бирига жуда яқин туради. Ўқувчида тўпланган билим ва ғоя хотира туфайли ўқувчилардаги ижодкорлик сифатлари ривожланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, тасвирий санъат дарслари ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришда кенг имкониятга эга. Унда қўлланиладиган материалларнинг турли-туманлиги бу имкониятларни янада кенгайтиради. Шу боис ўқувчиларда ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда турли бадий ва табиий материаллар ҳам ўз таъмирини кўрсатади.

Ўқувчиларнинг истеъдодини ўстиришда аввало ундан пухта билим олиш талаб қилинади. Зотан, ижодкорлик биронбир янги нарса яратиш фикридаги ғоя, мақсад пайдо бўлиши билан бошланади. Ана шу фикр ва ғоя билим самараси ўлароқ илгари сурилади. Демак, ўқувчининг ўқиб ўрганишга бўлган қизиқиши ва интилиши у ёки бу даражадаги ижодкорлик қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Машҳур олим-педагогк А.Дистервег... ўқувчи мустақил ўқимоғи, изланмоғи, ўзини кўрсатмоғи, ўзининг уйғонмаган қобилиятларини ривожлантирмоғи, ўзини саботли инсон қилиб этиштирмоғи лозим деб ёзган эди. Кўришиб турибдики, мактаб таълимида, айниқса тасвирий санъат таълимида ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ижодкорлик куртакларини ривожлантириш масаласи ҳам етакчи ўрин тутди.

Рус методист олими Н.П.Никонорова ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда тасвирий фаолиятида вазифаларни турли материаллар ва техникада ишлаш ўқувчиларнинг ижодий ташаббусини уйғотиш, фантазиясини ва тасаввурларини ўстиришни таъкидлайди.

Ўқитувчиларнинг тасвирий санъатга қизиқишлари ва ижодий қобилиятларини ривожланишида ўқитувчиларнинг тасвирий санъатга оид турли ўқув материаллари, амалий тасвирий фаолияти намуналарини малакали тушунтиришлари ва улар билан ишлаш техникасини қўллаши алоҳида эътиборга молик.

Ўқитиш методикаси деганда таълим ва тарбиянинг мақсадга мувофиқ амалга оширишнинг энг самарали йўли ва услублари йиғиндиси тушунилади. Машғулотни методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ. Шу билан бирга қисқа ва оддий йўллар билан, оддийдан мураккабга мураккабга бориш принцида маълум кетма-кетликда эришиш назарда тутилади. Ўқитиш методикаси тўғри танланганда ўқувчилар кўзда тутилган ўқув материалларини пухта ўзлаштирадилар ва уларда ўзлаштириш даражаси бир қадар юқори бўлади.

Методика умумий ва хусусий ҳисобланиб, умумий методика мактабларда, касб-хунар коллежларида олиб бориладиган барча таълим тарбия ишларига, хусусий методика эса у ёки бу ўқув предметига нисбатан қўлланилади. Педагогик назарияда уч хил метод бўлиб, асосан нутқий, намоёиш этиш ва амалий ишдан иборат.

Ўқитувчи ўқитиш методларига асосланиб иш юритганда у рангшунослик, перспектива, ёруғ соя, композиция қонунлари ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Педагогик амалиятда синфдаги шарт-шароитларим ҳисобга олиб, шаклланган методика асосида ҳам, ўқитувчининг шахсий тажрибаси асосидан ҳам фойдаланиш лозим.

Ўқитувчи ўқитиш методикасини иш жараёнида изланиш, синов ишларини ўтказиш, кўп адабиётлари ўқиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш асосида эгаллайди.

У жамият тараққиёти даврида шаклланган ўқитиш методларини манқидий нуқтаи назардан таҳлил этиши ва уни замон рўҳига мослаштиришган ҳолда қайта ишлаши асосида намоён бўлади.

Тасвирий санъат машғулотларининг вазифалари ҳисобланиб улар: борлиқдаги ва санъатдаги гузалликларни кўра билиш, идрок этиш тушуниш ва қадрлашга ўргатиш эстетик ва бадиий дидни ўстириш, болалар бадиий фикр доирасини кенгайтириш: бадиий ижод қобилият ва фантазияни ривожлантириш тасвирий санъатнинг назарий асослари (ёруғсоя, рангшунослик, перспектива, композиция) билан таништириш, расм ишлаш,

хайкал яшаш, бадий қуриш-яшаш юзасидан элиментлар малакалар ҳосил қилиш; кузатувчанлик; кўриш хотираси, чамалаш қобилияти, фазовий ва образли тасаввурларни, абстракт ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш: тасвирий, амалий меъморчилик санъатга нисбатан қизиқиш ургатиш: санаътга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уни қадрлашга севишга ўргатиш.

2. Тасвирий санъат дарсларининг кўшимча вазифалари, улар: борлиқни, ҳаётни билишга кўмаклашиш; миллий ғурур ва миллий истиқлол мафкурасини амалга ошириш; ўқувчиларда ахлоқий (ватанпарварлик ва байналминал); меҳнат жисмоний тарбияни амалга ошириш; ўқувчилари турли ва касб-ҳунарга йўллаш.

Тасвирий санъат дарслари абадиёт, география, табиатшунослик, биология, тарих, математика, меҳнат дарсларида алоҳида аҳамият касб этади. Тасвирий санъат физика, жисмоний тарбия, кимё, мусиқа дарслари учун ҳам фойдалидир.

Ҳар қандай ўқув предмети таълим мазмунида, албатта ўзбек халқи яратган бекиёс бой, маданий ва маънавий меросни ўзига асос қилиб олиши лозим.

Шундай экан ўзбек халқининг дунёга машҳур бўлган меъморчилик, амалий ва тасвирий санъат асарларини мактаб ва касб-ҳунар коллежларида бошқа материалларга қараганда кенгроқ ва чуқурроқ ўргатилиши талаб этилади.

Шу билан бирга мактаб ва касб-ҳунар коллежларида таълим мазмунининг вилоят ва шаҳарлар бўйича табақалаштириши ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар, ҳаттоки қишлоқларида ҳам амалий санъат ва меъморчиликнинг ривожланишида ўзига хослик бор. Буни Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Риштон, Шаҳрисабз, Нурота, Марғилон, Ғиждувон, ургут, Хўжайли ва бошқа шаҳарларнинг санъатида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўқувчиларнинг эстетик идрокни тарбиялашда табиатдаги ранг гаммаларининг ўқувчилар томонидан идрок этилишига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни табиат манзараси, теварак атрофидаги чиройли ранг бирикмаларини қидириб топишга ўргатилади.

Баҳорги ёмғирдан сўнг ўсимлик доналарининг кумушдек ялтираб кўринишини таъкидлайди.

Айниқса тасвирий санъат дарсларининг манзара жанрида расм ишлашга ўргатиш машғулотларида, манзарада кўҳна тарихий обидалар тасвирланаётган бўлса меъморчилик обидасининг тарихини, ҳозирги даврдаги борлиқни у билан боғлиқ ҳаётни билишга ёрдам беради.

Ўқувчилар манзарадаги нарса ва ходисалар расмини чизишга киришишдан аввал нарсаларнинг тузилиши, шакли, ўлчовлари, ранги, фазовий ҳолатларини ўрганадилар ва уларни ўз ишларида тасвирлайдилар.

Ўқувчиларни манзара жанрида расм ишлашга ўргатишда, табиатда чизиладиган қисқа муддатли этюдларни гуруҳ бўлиб бажариш лозим.

Баҳор фаслида “Шохи-Зинда” тарихий обидаларини кўринишларини этюдларини ўқувчилар билан гуруҳ бўлиб табиат кўйнида олиб бориладиган

машғулотларда чизишда, очик ҳавода кичик этюдларни рангда ишлаганда аввало, асосий ранг муносабатларини топа билиш муҳримдир. Бунинг учун натуранинг олд кўринишидаги қарама-қарши тусли ва рангли доғларни узоқдагига нисбатан таққослаш керак. Кичик ўлчамдаги этюдларда майда бўлақларга эътибор берилмайди, асосан катта ранг муносабатларида чизилади.

Манзара этюдларини бажаришда унга мураккаб бўлмаган сюжетлар танланади. Кейинчалик вазифаларни мураккаблаштириб, очик кенгликдаги манзарани тасвирлашга ўтилади.

Бундай этюдларда ҳаво перспективасидаги, масалан, манзарадаги ранг, оч-тўқлик ва тўйинганликнинг турли кўринишлардаги ҳодисаларга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Бунга эса манзаранинг барча кўринишларини таққослаш йўли билан яхлит идрок қилиш орқали эришилади.

Манзара этюдини тасвирлашда ҳар доим ёруғлик тез-тез ўзгариб туради. Ҳаттоки, қўёш булутлар орасида бўлса ҳам, у манзарага бевосита таъсир қилади, иш бошлашдан олдин ва сўнггида манзарадаги ёруғлик ҳолати доим турлича бўлади.

1. Шохи-Зинда тарихий обидалари умумий тусдаги этюдларини дастлаб гризайлда бажариш фақат тус жиҳатидан кўрсатишга йўналтирилади, тайёрловчи тус шкаласини сезишга, натурадаги энг оч-тўқ ва тўқроқликни англашга, тус градиентиясини бу икки қутбларга бўйсўндиришга ўргатади.
2. Этюдни композициясини ечиш, ранглар билан ишлашга қалам тасвирни тайёрлаш ҳамда этюдни рангда бажариш. Этюд композициясида кўриш нўқтасини танланади, тасвирнинг ҳолати расмлари бажарилади, янги этюдни ўлчами (формат), уфқ чизиғи асосий кенгликдаги обидаларнинг жойлашиши белгиланади.

Тайёрлов қаламтасвирда этюднинг перспектив-кенглик қатори яратилади: нисбатлари тўлиқ аниқланади, нарсаларнинг конструктив чегаралари, уларнинг оч тўқлик қисми белгиланади. Булар асосида этюднинг кейинги рангли-пластик ечими шаклланади. Ўқувчилар манзара жанрида расм ишлаш жараёнида энг муҳими, қоғоз юзасида расмни мазмун, композицион жиҳатдан қандай жойлаштирилишидандир. Шунингдек, тасвир вариантлик, комбинация, муқобиллик ва бошқа асосида ишланади. Ўқувчилар расм ишлашида тасвирий санъатнинг назарий асослари-ёруғсоя, рангшунослик, перспектива, композициянинг қонун ва қоидаларини тасаввур қиладилар ва қўллайдилар. Улар ўз расмларини ижодий, янги, қайтарилмас мазмунда бўлишлигига ҳаракат қиладилар.

Ўқувчилар ўқув дарсларида манзара жанрида расм ишлаш топшириқларини ечишда ўзларини ижодкор бўлишга ундайдилар. Янги, қайтарилмас ечимлар орқали ўзларининг ижодкорлик ва хаёлотларини, меъёр ва уйғунлик сифатларини ишга соладилар. Натижада, маълум миқдорда оригинал, янги қайтарилмас ижод маҳсули дунёга келади.

“Шохи-Зинда” тарихий обидалари мажмуаси.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд жаҳоннинг энг қадимий ва муҳаддас шаҳарларидан биридир. Унинг қадимийлиги Рум, Бобул, Афина ва бошқа қадимий шаҳарлардан қадимийроқдир. Унинг муқаддаслиги, табарруклиги, унинг ҳоқида Зардушт пайғамбардан бошлаб, Тумарис Спитамен Қусам ибн Аббос, Хожа Ахрор Валий каби юзлаб, минглаб бузурқворларнинг азиз ҳоқи борлигидадир.

Шохи-Зинда ансамбли Самарқанд Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат. “Шохи-Зинда” “Тирик-шоҳ” номи билан машҳур. Бу Қусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, у араб маълумотларида айтишича 676 йилда Самарқандга келган Аббос ўғли Қуссам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳссалом амакиларининг ўғлидир.

Баъзи маълумотларга қараганда у ўлдирилган, баъзиларида эса ўз ажали билан ўлган. Халқ орасида Қуссам “Шохи-Зинда”, яъни “Тирик-шоҳ” номи билан машҳур.

Шохи-Зинда зиёратгоҳи турли обилар мажмуасидан иборат бўлиб у деярли 9 аср XI-XIX асрлар давомида шаклланган. Бугунги кунда у турли даврларда тикланган 20 дан зиёд иншоатларни ўз ичига олади.

Ансамбль бир бири билан йўлаклар орқали боғланган уч гуруҳ бинолардан иборат. Қуйи гуруҳдаги иншоатлар Улуғбек ўғли номидан қурдирган Абдулазиз чортоғи (1434-1435), унга шимолдан Давлат Қушбеги мадрасаси (1812-13) туташ, унинг қаршисидаги айвонли масжид нақшлар билан нафис безатилган. 40 босқичли тик зинапоя ўрталиғининг чап томонида зиёратхона, гўрхонадан иборат қушгумбазли мақбара (15 аср) жойлашган.

Ўрта гуруҳдаги бинолар: Амирзода мақбараси, Туўли Текин мақбараси, Ширинбека оқо мақбараси, унинг қаршисида Темурнинг бошқа синглиси Туркон оқо мақбараси, Саккиз қиррали мақбара, Али Насафий мақбараси кабилар.

Юқори гуруҳдаги бинолар: зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид, Хўжа Аҳмад мақбараси, 1360-61 йилда қурилган мақбара, Туман оқо комплекси (1405-06), 2-номсиз мақбара (14 аср) нинг киравериш деворигина сақланган. Шунингдек Тамғоч Буғрохон мадрасаси (11 аср), Амир Бурундук мақбараси (14 аср) кабилардир.

18-асрда вайрон бўлган зина ўрнида кейинчалик 40 поғонали ғиштдан янги зина қурилган. Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида ушбу қадимий зиёратгоҳ атрофида мажмуавий гулдаста қурдирган. У муғуллар босқинидан вайронага айланган мақбараларни зеб бериб тиклатган, ёғочдан ясалган қабрни энг қимматбаҳо нақшинкор тошлар билан безалган. Амир Темурнинг оила аъзолари, сарой аъёнлари ҳазрати Қуссам ибн Аббос мақбараси яқинида кўмилишини шараф билишиб, ўзларига нақшинкор мақбаралар қурдиришган.

Бу обидаларни маҳаллий меъморлар Эрондан. Ҳиндистондан, Шомдан келган усталар ҳамкорлигида барпо этишган.

Соҳибқирон Амир Темурдан сўнг унинг ишларини набираси Мирзо Улуғбек давом эттирган

Ансамбль таркибидаги 20 дан ортиқ иншоотлар давлат муҳофазасига олинган.

Самарқандимизнинг гузаллиги барча шаҳарлар гузаллигидан устундир. Уни жаҳон меъморчилик санъати, маданияти мадинаси, бешиги дейиши бесабаб эмас.

Муқаддас тупроғида қад кўтарган обидалар, тарихий-маданий ёдгорликлар ва уларни турли сеҳрли оҳангларда безашда қўлланилган муъжизасимон безаклар турлари неча асрлар давомида одамзодни лол қолдириб келмоқда.

**Mavzu: Kasb-hunar kolleji o'quvchilarini tasviriy sa'nat darslarida manzara janri orqali ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish. "Camarqandda bahor" tarixiy obidalari misolida.**

<p><b>Maqsad va vazifalar</b></p>	<p><b>Darsni ta'limiy maqsadi.</b> Rangtasvirda manzara, unda obraz, kolorit, fazo va kompozitsion ifodalilik, atrof muhitdagi, san'atdagi guzalliklar haqida ma'lumot berish.</p> <p><b>Darsni tarbiyaviy maqsadi.</b> Tabiat va san'atdagi guzalliklarni ko'ra bilish, milliy iftixor, qadriyat sifatida e'tirof etish va muhofaza etishga o'rgatish. Ma'naviy barkamol avlod tarbiyasiga zamin yaratish.</p> <p><b>Darsni rivojlantiruvchi maqsadi.</b> O'quvchilarda estetik did, estetik ong, badiiy tasavvurni tarkib toptirish hamda rivojlantirish. Ijodiy – tasviriy qobiliyat va iste'dodlarini rivojlantirish.</p>
<p><b>O'quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi.</b></p>	<p><b>Uslub. Yangi bilimlar berish.</b> <b>Shakl. An'anaviy.</b> <b>Jihozlanishi.</b> Oq qog'oz, akvarel va guash bo'yoqlari, mo'yqalamlar, tabiatni obrazli manzarasi aks etgan rangtasvir asarlarining reproduksiyalari.</p> <p><b>Usul.</b> Bahs- munozara, savol - javob, muhokama, amaliy ish.</p> <p><b>Baholash.</b> Rag'batlantirish. 5 ball.</p>
<p><b>Mavzu rejasi.</b></p> <p><b>Yangi mavzu mazmuni</b></p>	<p><b>1. Manzara janri haqida suhbat.</b> <b>2. Manzara kompozitsiyasi.</b> <b>3. Samarqandda bahor Shoxi-zinda tarixiy obidalari tabiat manzarasini chizish qonun-qoidalari haqida tushuncha berish va amaliy ish.</b> <b>4. Mavzu yuzasidan savol javob.</b></p> <p>Tasviriy san'atda tabiat, industrial sanoat, interer ko'rinishlarini tasvirlanishi manzara janriga ta'luqlidir. Manzara tasviriy san'atning qadimiy janrlaridan bo'lib, tarixiy maishiy asdarlarda ham vosita, fon sifatida muhim rol o'ynaydi. Manzara janrida samarali ijod qilgan rassomlardan I. Levitan,</p>

	I. Shishkin, O`. Tansiqboyev, I.K.Ayvazovskiy, N. Karaxan kabilar tilga olinadi. Rashid Temurovning "Bibixonimda bahor" va "Samarqand me'moriy manzara asarlari"
<b>O`quvchilar mustaqil ishlari.</b>	O`quvchilar mavzu asosida rasm chizadi. O`qituvchi parta oralab o`quvchilarga individual yordam beradi. Chizilgan ishlarni namuna qilib ko`rsatadi.
<b>Darsni mustahkamlash.</b>	Darsda yaxshi qatnashgan o`quvchilar rag`batlantiriladi. Yaxshi chizilgan o`quvchilar ishlari namuna qilib ko`rsatiladi.

**Dars turi.** Yangi bilim beruvchi.

**Dars mavzusi.** "Samarqandda bahor" Shoxi-Zinda tarixiy obidalari.

**Darsni ta`limiy maqsadi.**

Rangtasvirda manzara, unda obraz, kolorit, fazo va kompozitsion ifodaliylik, atrof muhitdagi, san`atdagi guzalliklarhaqida ma`lumot berish.

**Darsni tarbiyaviy maqsadi.**

Tabiat va san`atdagi guzalliklarni ko`ra bilish, milliy iftixor, qadriyat sifatida e`tirof etish va muhofaza etishga o`rgatish .Ma`naviy barkamol avlod tarbiyasiga zamin yaratish.

**Darsni rivojlantiruvchi maqsadi.**

O`quvchilarda estetik did, estetik ong, badiiy tasavvurni tarkib toptirish hamda rivojlantirish. Ijodiy – tasviriy qobiliyat va iste`dodlarini rivojlantirish.

**Darsni jihozlanishi.**

**O`qituvchi uchun:**

a). Mavzuga mos ko`rgazmalar.

b). Bosqichli rasmlar, tarqatmali materiallar, rangli reproduksiyalar, Axborot texnologiyasidan foydalanish uchun ekran.

**Oquvchi uchun:**

Albom,akvarel bo`yoqlari, format, qalam,mo`yqalam.

**Darsning tuzilishi.**

1.Tashkiliy qism. 2 daqiqa.

2.O`tilgan mavzuni so`rash. 7 daqiqa

3.Yangi mavzu bayoni 10 daqiqa.

4.Yangi mavzuni mustahkamlash va o`quvchilarni mustaqil ishlari 23 daqiqa

5.Darsni yakuni va uyga vazifa berish 3 daqiqa.

**Darsning borishi .**

1.Tashkiliy qism 2 daqiqa .

O`quvchilar bilan salomlashish.Davomatni aniqlash, o`quvchilarni darsga tayyorgarligini tekshirish.

O`quv xonasini va o`quvchilarni darsga tayyorgarlik darajasini nazorat etish.

2.O'tilgan mavzuni so'rash 7 daqiqa.

- 1.Tasviriy sanatning turlarini ayting?
- 2.Rang tasvir deb qanday tasvirga aytiladi?
- 3.Grafika san'ati va uning turlari haqida malumot bering?
- 4.Manzara janrida ijod qilgan qaysi rassomlarni bilasiz?

3.Yangi mavzuning bayoni 10 daqiqa.

Manzara janri.Tasviriy san'atda tabiat, shahar, industrial-sanoat, interer ko'rinishlarining tasvirlanishi manzara janriga taaluqlidir.Manzara janrdagi asarlarning ayrimlari bevosita tabiatning haqiqiy, ya'ni hayotiy ko'rinishini tasvirlasa, boshqalarida borliq ijodiy tarzda, xayolan ifodalangan bo'ladi. Ba'zan bu ikki hol bir asarda kuzatilishi ham mumkin. Manzara janrining paydo bo'lishi juda uzoqlarga borib taqaladi. Manzara tasvirlarining keng tarqalishini qadimgi Sharq va Krit orollaridagi qadimgi arxeologik qazilmalar misolida ko'rish mumkin.

Masalan, eramizdan avvalgi davrlarga oid Beni-Hasandagi qabr toshda yovvoyi mushuk ovi tasvirlangan. Manzara janri mustaqil ravishda Xitoyda oltinchi asrda paydo bo'lgan bo'lsa, Yevropa san'atida Uyg'onish davrida ilmiy negizda, ya'ni chiziqli va havo perspektivasi asosida shakillangan.

Manzara janrining ikki xili mavjud. Birinchisi mustaqil manzara bo'lib, unda faqat manzara aks ettiriladi. Ikkinchi turda manzara biron tasvir fonida tasvirlanadi. Masalan, portretning orqa tomonida tabiat yoki shahar manzarasi tasvirlashi mumkin.

Manzara janrida samarali ijod qilgan va san'at ixlosmandlariga manzur bo'lgan rassomlardan I.levitan, I.Shishkin, O'.Tansiqboyev, I.K.Ayvazovskiy, N.Karaxan kabilarni tilga olish mumkin.

Manzara janrining alohida shakillaridan biri bu interer hisoblanadi. Interer binolarining ichki qismi ko'rinishlarini ifodalaydi. Bu janr qadimgi Misr, Xitoy rassomchiligida ko'p uchraydi. Qadimgi misrliklar va xitoyliklar o'z ishlarida intererni aql bovar qilmaydigan darajada aniqlik bilan perspektiva qonunlari asosida tasvirlay olganlar.

Bu janrda ijod qilib Jotto, A.Verrokko, Leonardo da Venchi, Rembrandtlar shuhrat qozonganlar.

Manzara janrining ikkinchi bir ko'rinishi bu dengiznavislik janridir. Unda asosan dengiz ko'rinishlari va undagi hodisalar tasvirlanadi. Dengiz janrining shakllanishida I.Ayvazovskiy-ning xizmatlari katta bo'lgan. Bu ulug' rassom o'zining umrini faqat dengiz ko'rinishlarini tasvirlashga bag'ishladi. Uning "To'qqizinchi val", "Chesmen jangi", "Qora dengiz", "To'lqinlar orasida" kabi asarlari jahon tasviriy san'atida munosib o'rin egallaydi.

Dengiznavislik janridagi asarlarda boshqa janrlarga xos elementlar ham ifodalanishi mumkin. Masalan, portret, manzara, tarixiy, maishiy va hokazolar.

Manzara janrida ko`proq rangtasvirda, qisman grafika va haykaltaroshlikda qo`llaniladi. Haykaltaroshlikda manzara ko`rinishlari asosiy emas, balki to`ldiruvchi, qo`shimcha ahamiyat kasb etadi.

Manzara – peyzaj ma`lum bir joyning ko`rinishi, tasviri bu tasviriy san`at janri hisoblanadi. Manzarada tabiat, dengiz ko`rinishlari, daraxtzorlar, qirlar, shahar va qishloqlarning qiyofasi, umuman turli joylarning tasviri orqali kishining his-tuyg`ulari badiiy obrazlarda ifodalanadi.

O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan san`at arbobi mohir pedagog P.P.Benkov o`z asarlari bilan o`zbek tasviriy san`atiga salmoqli hissa qo`shgan rassom. P.P.Benkov serquyosh, serfayz o`lkamizni sevib qolgan va umrining oxirigacha shu erda qolib ijod qildi. U yaratgan suratlarning har birida jonajon respublikamizning go`zal tabiati, o`zbek xalqining hayoti va mehnati tasvirlanadi.

O`zbekistonning go`zal tabiati taniqli rassom O`rol Tansiqboyevning ijodida markaziy o`rinni egallaydi. O`. Tansiqboyevning ijodi asosan O`rta Osiyoning go`zal va nafis tabiat manzaralarini mo`yqalam yordamida haqqoniy aks ettirishga qaratilgan. Uning "Issiqko`l oqshomi", "O`zbekistonda bahor", "Qayroqqum GESning tongi", "O`rik gullamoqda", "Kuz tongi" kabi ko`plab asarlari rassomning manzaranafislik san`atining mohir ustasi sifatida jahonga tanitdi. Abduvali Mo`minov A.Mirsoatovning manzara janridagi asarlarini tomosha qilish va tahlil etish bizga me`moriy manzara elementlarini belgilashga zamin yaratadi. Ularda qishloqning past balanda uylati tog` adirlar daryo va jilg`alar uzoq yaqinda tasvirlanishi mumkin bo`lgan me`moriy inshat ko`rinishlari daraxtlar va boshqa elementlar tasvirini ko`rish mumkin. Amaliy tasviriy faoliyatga kirishish oldidan o`z variantlarimizni eskezini ishlab olamiz. Bu eskez har xil ko`rinishda bo`lishi mumkin. Shuningdek me`moriy manzara janridagi ikki asarni tahlil etib ko`ramiz. Bular rassom Rashid Temurovning "Bibixonimda bahor", Samarqand asarlari.

## **Manzara kompozitsiyasi.**

### **Kompozitsiyaning asosiy qonun qoidalari**

Tasviriy san`at amaliyotida kompozitsiyaning zarur unsurlari mavjud. Yaxlitlik qonuni, o`xshatish qonuni, kontrast qonun vositalari mazmun va g`oyaga bo`ysunishi kompozitsiyaning asosiy qonunlari hisoblanadi.

Kompozitsiya yaxlitligida kompozitsiya elementlari shakl, hajm, "dog", oraliq xarakter nusxa ishora bilan ifodalanadi.

Kompozitsiya haqiqat qonuni- asosan uchta belgi bilan ifodalanadi. Birinchi belgi bu badiiy asarda sodir bo`layotgan voqeaning o`ziga xosligi, I.Levitanning "Oltin kuz", A.Kundjining "Qayinzorda", A.Rilovning "Havo

rang kenglikda manzaralarida mazmun, nafosat bilan birga tabiatning o`ziga xos obrazi tasvirlangan.

Kompozitsiyaning asosiy qonunlaridan biri kontrastlik qonunidir. Leonardo da Binchi "Rangtasvir qonunlari" ilmiy asarida o`lcham qarama-qarshiligi haqida, katta-kichik, past-baland, qalin-yupqa, xarakter, faktura, materiallar kontrasti to`g`risida yozadi.

Mikelandjelo tekislikdagi hajm kontrastlariga ko`p ahamiyat beradi. Inson predmetlar shaklini faqat soya va yorug` kontrastlik orqali sezadi va o`z ongiga singdiradi.

**Manzara kompozitsiyasi.** Manzara-tasviriy san`atning qadimiy janr turlaridan bo`lib, tarixiy maishiy asarlarda ham vosita-fon sifatida muhim rol o`ynaydi. Yevropada manzara janri tarixi XVI-XVII asrlarda taraqqiy etdi. Gollandiya manzarachi rassomlari tabiatni o`xshatib haqqoniy tasvirlashda katta muvoffaqiyatlarga erishdilar.

Manzara san`ati tashqi dunyoning go`zalligini aks ettirish bilan insonga ijobiy ta`sir etuvchi kuchga ega. Shuning uchun ham rassom tabiat olamini eng nozik, tipik xolatlarini rang garmoniyalarini anglab, tabiatga nisbatan bo`lgan estetik munosabatini bildiradi.

Manzara asarida inson shaxsi, aql-zakovatini, ichki tuyg`ularini tasvir orqali qushiq qilib kuylaydi va tabiat obrazini yaratadi. Misol tariqasida I. Levitanning "Oltin kuz", "Abadiy sokinlik", I. Shishkinning "O`rmon yiroqliklari" asarlarini keltirish mumkin. Tasviriy san`atning manzara janriga oid asarlari insonda tabiatga muhabbat va go`zallik fazilatlarini shakllantiradi. Bunga misol qilib, O`zbekistonda manzara janrida ijod qilgan rassomlar O`. Tansiqboyev "Issiq ko`l", "Ona o`lka", Qayroqqum suv ombori, N. Qoraxon "Nanay yo`li", "Sijjakda bahor", R. Temurovning "Samarqand" arxitektura manzaralari turkumini aytishimiz mumkin.

.Manzara janrida G`. Abduraxmonov, F. Toxirov, R. Choriyev, M. Yesin kabi rassomlar manzara janrda samarali ijod qilgan rassomlar hisoblanadi. Hozirgi vaqtda A. Nuriddinov, O. Qozoqov, A. Mo`minov, A. Mirsoatov kabi rassomlar mutaqil O`zbekistonning guzal tabiatini madh etuvchi maftunkor mazaralarni yaratib kelmoqdalar. Manzaraning bir necha turlari mavjud.

Shahar (Arxitektura), qishloq (tog`) manzara, sanoat (zavod, fabrika, inshoot qurilish), tarixiy, romantik, lirik, panorama (ko`rinishlarida) manzaralari shular jumlasidandir.

Bularning har biri negizida ifodalovchi mazmun, g`oya yotadi. Shahar manzarasida shahar hayoti bilan bog`li, arxitektura, transport vositalari odamlar, oramgoh bog`lar hamda yer osti o`tish joylari kompozitsiya tasviri uchun misol bo`la oladi.

Qishloq manzarasi, bepoyon kenglik, tog` manzarasi, yaylovlar, qoya tosh, o`simliklar, vodiydagi jilvakor suvlar tsviri kompozitsiya negizini tashkil etadi. Sanoat manzarasi katta zavod hovlisi, suv ombori, ko`prik, metro qurilishi, texnika qurilishi vositalari bilan bog`langan.

Lirik manzarada tabiatni "Erta tong", "Bahor" kabi mavzudagi tabiatni nozik, sokin go'zalligini, uning uyg'omish holatini aks ettiruvchi, insonga olam-olam quvonch baxsh etuvchi asarni ko'z oldimizga keltiramiz.

**Manzaraning kompozitsiya vositalari (belgilari):** joyni tanlash, ko'rinish nuqtasi, ko'rinish chizig'i, fazoviy masofa, format, prespektiva, ritm, kolorit, yorug', refleks, kompozitsiya markazi shular jumlasidandir.

Bu janrda kompozitsiya yaratish uchun, qalamtasvir rangtasvir sohalarida mukammal bilimga ega bo'lish kerak. Naturadan dastlabki chizilgan chizgi rangli etyudlar manzara kompozitsiyasini tuzishda asosiy mavzu bo'lishi mumkin. Qishloq manzarasini kompozitsiyasini tasvirlamoqchi bo'lsak avval tabiatdagi quyoshli, bulutli kunlar, peshin, oqshom xolatini xarakterli xususiyatlarini sinchiklab ko'zatish lozim.

Formatni aniqlab, ufq chizig'i, ko'rinish nuqtasini belgilab olish kerak. So'ngra havo va yerni tekislikda nisbatlari uni belgilab, oldingi, keyingi, orqa planni va predmetlar mashtabini topish darkor. Kompozitsiyani bir necha variantlarini sangina, ko'mir kabi yumshoq materiallarda bajarish tavsiya etiladi.

Bajarilgan xomaki eskiz variantini rangda tasvirlash asar xolatini aniqlashga yordam beradi.

Sifatli bajarilgan eskiz asosida manzara kompozitsiyasini yakuniy nusxasini amalda bajarish kerak. Uni qog'oz, karton, xolst, akvarel, guash, moybuyoq orqali amalga oshiriladi.

Bo'lajak rassom uchun hayotni kuzatish, mavzu yuzasidan kundalik qalamchizgi va etyudlarni bajarish mashqlarini qilishga kirishsa maqsadga muvofiq ish bo'ladi.

Manzara janridagi asarlar inson uchun ma'naviy ozuqa beradi, uni ruhlantiradi, hayotga shodlik va quvonch bag'ishlaydi.

O'rol Tansiqboyevning "Oqshom pallasi" asarini tahlil qilar ekanmiz ko'z o'ngimizda gullab yashnayotgan o'zbek diyori, uning dilga orom beruvchi tabiati, kishining mehnati bilan bog'-bo'stonga aylanayotgan yerlar gavdalanadi.

O'zbek milliy rang tasvir maktabining taniqli rassomi G'ofur Abduraxmonov ko'pgina asarlarida manzara janriga dadil muroajaat qila olgan va manzara janriga nisbatan qiziqishi shakllanganligidan dalolat beradi.

Rassom yaratgan kompozitsiyalari keng qamrovliligi va rang-barangligi bilan alohida ajralib turadi. Bulardan, ayniqsa "Qo'shiq" asarini tomosha qilar ekanmiz tabiatning jozibali ohanglari bilan inson qalbidagi tuyg'ular hamohang jaranglayotganini tinglagandek bo'lamiz. Bahor gullari to'shalgan qirlar, unga mahliyo bo'lgan qizlarning nafis harakati, tog' cho'qqilari, shuningdek, olisdagi bulutlarning bir biri bilan uzviy bog'liq bo'yoqlarda tasvirlanishi kishini o'ziga sehrlab qo'yadi.

G'.Abduraxmonovning "Baxmalda tong" nomli manzarasida esa tabiatda yangilanayotgan holat rassom tomonidan ilg'ab olingan. Asarda erta tongdagi jonlanish, yer bag'ridagi barcha borliqning uyg'onayotganligi yaqqol sezilib turadi. Bu asarlar tomoshabinda yaxshi kayfiyat uyg'otish bilan birga maroqli

dam olishga yordam beradi. Tabiatga bo'lgan muhabbatni uyg'otadi va estetik zavq bag'ishlaydi. Rassom ijodida manzara janriga bo'lgan qiziqish ko'rtaklarini uning dastlabki etyudlaridayoq ko'rishimiz mumkin.

Tasviriy san'atning tur va janrlari ichda manzara janri tabiat va inson munosabatlari, kayfiyatlarini tasvirlashda keng imkoniyatga ega manzaralar ham tabiat, insonlar kabi turli ko'rinish va kayfiyatga ega bo'ladi. Ular charog'on kun, bulutli kun, quyoshli oqshom, yomg'ir va qor, bo'ronlarni tasvirlash, shahar manzarasi, qishloq manzarasi, tog' manzarasi ko'rinishida bo'ladi. Rassom Abduvali Mo'minov, Anvar Mirsoatovlarning manzara janridagi asarlarini tomosha qilish va tahlil etish bizga me'moriy manzara elimitlarini belgilashga zamin yaratadi. Ularda qishloqning pas-balad uylari, tog'u-adirlar, daryo va jilg'alar uzoq yaqinda tasvirlanishi mumkin bo'lgan me'moriy inshoot ko'rinishlari, daraxtlar va boshqa elementlar tasvirini ko'rishimiz mumkin.

Amaliy tasviriy faoliyatga kirishish oldidan o'z vriantlarimizni eskizlarini ishlab olishimiz mumkin. Rassom G'. Abduraxmonovning "Oydin kecha" asarini kuzatib tahlil qilamiz.

Tabiatning obrazli manzarasi –shamolsiz, tinch issiq tun osmonda to'lin oy nur sochib, butkul dalaga yorug'lik berib turubdi. Suv yuzasida oyning shu'lasini ko'lni ko'kish, sariq, oltin rangga bo'yab, jilvalanib turibdi. Daraxtlar bir biri bilan asta shivirlashib, uyquli tunning tinchligiga quloq solayotgandik. Tabiatning shu kurinishini qogozga tasvirlashda suratning asosiy mavzusini yechish lozim. Demak, tasviriy sanat tilida tabiat manzarasini tasvirlash degani.

Ko'l, oy, daraxtzor – buning hammasi bit butun ko'rinishni tashkil qiladi.

Tabiatning go'zal manzarasini tasvirlash naqadar qiyen ekanligiga qaramay, rassom o'z fikrini bizga mohirlik bilan yetkaza olgan. Bulut orasidan chiqqan oy suv yuzasiga yorug' shu'la sochib qirg'oqlar qizil qo'ng'ir rangga bo'yalib, oldingi ko'rinishdagi daraxtlar quyug' bo'yoqlar bilan bo'yalgan. Barchasi o'z o'rnini topib, havo, bo'shliq, makon alohida e'tibor bilan ko'rsatilgan.

Suratni akvarel yoki guash buyoqlari bilan tasvirlash mumkin. Bu rassomchilik qurollari bilan tabiat manzarasini go'zal va mazmunli qilib bajarish mumkin.

### **“Samarqandda bahor” Shoxi-Zinda tarixiy obidalari manzarasini ishlash.**

“Samarqandda bahor” Shoxi-Zinda tarixiy obidalari manzarasini ishlash uchun buyoqlar yordamida chizishdan avval qalam yordamida uning alohida qismlari chizib olinadi. Tasvirning mazmunli va ifodali bo'lishi uchun manzara elementlari: daraxtlar, bulutlar, tog'lar, joyning tuzilish shakllari chiziladi. Shuningdek, manzarani chizishda tabiatni sinchiklab o'rganib chiqish talab qilinadi.

Rassom A.Muminovning "Buronli kun" asarida tabiat obrazining bir ko'rinishini kuzatishimiz mumkin.

Tabiatni obrazli manzarasini chizishda chiziqli va favoviy perspektiva qoidalariga rioya qilish lozim. Har bir narsa uzoqlashgan sari kichrayib havoda ko'rinmay xiralashib boradi, ularning ko'rinishi, chiziqlari, yorug'ligi,

rangi o'zgaradi. Tabiatdagi narsalar bizga qanchalik yaqin bo'lsa ular shunchalik aniq va ravshan ko'rinadi.

Manzarani maromida tasvirlab berish katta ahamiyatga ega. Manzara-kunduzi, ertalab, yoki kechqurun o'z ko'rinishiga ega. Ertalab atrof guyoki tutun bilan qoplangandek bo'ladi. Demak, ertalabki manzarani chizganda orqa ko'rinishi biroz xiralashtirilib tasvirlanadi. Oldida joylashganlarning tuzilishini biroz aniqroq qilib chizish karak. Kechqurun esa aksincha, osmon tusida narsalarning hamma tuzilishi aniqroq ko'rinadi. Havo bulut bo'lgan kunda yer, undagi narsalar bilan birga osmon xiraroq va qoraroq bo'lib ko'rinadi.

Tabiatning obrazli manzarasini chizishda yoki uning biron-bir bo'lagini tasvirlashda alohida qoidalar yo'q, Manzarani tasvirlash ham boshqa narsalarning asl nusxasini chizish kabi bajariladi.

Tabiat obrazi ta'sirchanligini oshirish, uning aniq holatini ifoda etish maqsadida ishni kontrastli yoki mayin, iliq yoki sovuq, ochroq yoki to'qroq, yaqqol yoki umumlashgan tarzda bajarish mumkin. Jonli tabiatni his qilish, uning g'oyat ko'rkamligini ilg'ay olish, shuningdek, qiziquvchanlik har bir tabiat manzarasini tasvirlashning yechimiga mezon bo'ladi.

Chunonchi tabiat har qachon ijodiy izlanishlar, go'zallikni his qilib didni o'stirish manbai bo'lib kelgan. Birinchi kartinaning bosh mavzusi bir obekt Shoxi-Zinda majmuasi. Asarining birinchi planida qo' gumbazli Qozizoda Ro'miy maqbarasi tasvirlangan. O'rta planda majmuaning Shodi Mulk oqo, Tug'i Tekin, Amirzoda, Usta Ali Nasafiy, Shirinbeka oqo, tuman oqo gumbazli maqbaralari tasvirlangan. Orqa planda esa nomsiz maqbaralar va gullagan daraxtzor tasvirlangan. Kartinani tasvirlash jarayonida ufq chizig'ini yuqoriga ko'tarish orqali kartina tekisligidagi obidalarni ko'proq tasvirlashga erishiladi.

#### **4.Yangi mavzuni mustahkamlash va o'quvchilarning mustaqil ishlari.**

23 daqiqa

“Samarqandda bahor” Shoxi-Zinda tarixiy obidalari manzarasini ishlash uchun buyoqlar yordamida chizishdan avval qalam yordamida uning alohida qismlari chizib olinadi. Tasvirning mazmunli va ifodali bo'lishi uchun manzara elementlari: obida daraxtlar, bulutlar, tog'lar, joyning tuzilish shakllari chiziladi. Shuningdek, manzarani chizishda tabiatni sinchiklab o'rganib chiqiladi.

“Samarqandda bahor” Shoxi-Zinda tarixiy obidalari manzarasini ishlash manzarasini chizishda chiziqli va favoviy perspektiva qoidalariga rioya qilib chiziladi. Har bir narsa uzoqlashgan sari kichrayib havoda ko'rinmay xiralashib borishi, ularning ko'rinishi, chiziqlari, yorug'ligi, rangi o'zgarishi, tabiatdagi narsalar bizga qanchalik yaqin bo'lsa ular shunchalik aniq va ravshan ko'rinishi hisobga olinib chiziladi.

**1-bosqich.** Formatni aniqlab qalamtasvirda ufq chizig'i, ko'rish nuqtasini belgilab olish, havo va yerni tekislikdagi nisbatlarini belgilash, oldingi va keyingi, orqa plandagi bino predmetlar mashtabini topish.

**2-boshqich.** Format sathida manzaradagi, obidani birinchi, ikkinchi, o'rta qator va uchinchi plandagi detallarni yaqqol tasvir holatiga holatiga keltirish, soya yorug'liklarni belgilash.

**3- bosqich.** Manzaraning uchinchi orqa qatoridagi havo, tog', daraxtlarni sovuq va ko'k rangda ranglash, o'rta qatordagi qir-adir, uylarni o'rtacha och iliq ranglarda, birinchi qatordagi daraxt, shox-shabba va yo'l-yo'laklar issiq sariq, qizil-jigar ranglarda ranglash.

**4- bosqich.** Tasvirlanayotgan manzaradagi obidaning barcha detallarning soya va yorug'liklari asosida uyg'unlashgan holatda to'qroq ranglarda ranglash. Tabiatning obrazli manzarasini butun bir g'oya va mazmun asosida yakunlash.

#### **Yangi mavzuni mustahkamlash uchun savollar:**

1. Manzaraning bosh g'oyasi nima?
2. Manzarachi rassomlar kimlar va ularni qanday asarlarini bilasiz?
3. Shoxi-Zindada bahor fasli kartinasining tasviriy kompozitsion yechimining umumiyliigi nimadan iborat.

#### **Tasviriy san`at fanidan testlar.**

1. Rangtasvir xususiyatlari va uning texnologiyasiga oid eng qadimgi qo'lyozma qachon yozilgan?

- a) XI asrda;
- b) O'rta asrlarda;
- v) Yuqori Uyg'onish davrida;
- g) IX asrda.

Javob: v) Yuqori Uyg'onish davrida;

2. Qaysi qatordagi ranglar "issiq ranglar" ga kiradi?

- a) Ko'k, havo rang, yashil, safsar;
- b) Sariq, qizil, noranji, qirmizi;
- v) sariq, yashil, jigarrang, ko'k;
- g) pushti, siyohrang, binafsha, zumrad;

Javob: b) Sariq, qizil, noranji, qirmizi;

3. Qaysi ranglar "sovuq ranglar" turkumiga kiradi?

- a) Qizil, oq, qora, jigarrang;
- b) Qizil, sariq, jigarrang, qora;
- v) Ko'k, safsar, yashil, moviy, havorang;
- g) Noranji, oxra, targ'il, ko'k.

Javob: v) Ko'k, safsar, yashil, moviy, havorang.

4. Akvarel ishni bajarganda, eng muhimi nima?

- a) Qog'oz planshetda bo'lishi;
- b) Mo'yqalam, qog'oz, bo'yoq sifatli soz bo'lishi;
- v) Mo'yqalam yumshoq, qog'oz sifatli bo'lishi;
- g) Qalam, o'chirg'ich, mo'yqalam soz bo'lishi.

Javob: b) Mo`yqalam, qog`oz, bo`yoq sifatli soz bo`lishi.

5. "Akvarel" so`z iborasi mazmunan nimani anglatadi?

- a) Fransuzcha suyuq bo`yoq ma`nosida;
- b) Lotinchadagi "akva" so`zidan suv ma`nosi, "rel" bo`yoq ma`nosi;
- v) Nemischa "rel" so`zidan kelib chiqadi;
- g) Espancha suv mazmunidagi tushuncha.

Javob: b) Lotinchadagi "akva" so`zidan suv ma`nosi, "rel" bo`yoq ma`nosi.

### **5. Darsning yakuni va uyga vazifa berish.**

Me`moriy manzara tasvirlangan etyud chizish.

## ХУЛОСА.

Ўзбекистон тасвирий санъати ҳозирги босқичда “профессионализм” маҳорат жиҳатидан ўзининг юқори мавқеига эга бўлади.

Ҳозирги замон санъати ривожланиши рассомнинг ижодий изланиши янги мазмунли ғоя, инсонларнинг маънавий маърифий талабларини кондириш билан боғлиқдир.

Рассомлар зиммасига ўз асарларида баийй образларни яратиш воситаларини бойитиш, тараққий этган жаҳоннинг илғор рассомлар тажрибалари билан дунёқарашлари кўламини кенгайтириш каби маъсулиятлар қўйилган.

Мустақиллик туфайли бошланган буюк тарихий тараққиёт йўлида оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди.

XXI асрга собитқадимлик билан кириб келган Ўзбекистон Республикасининг келажаги илм-фан, таълим тарбия тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. 1997-йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида, 1997-йилда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида жамиятимизда таълимни тубдан ислоҳ қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Илм-фан мадания ва маърифат ҳар қандай мамлакатни юксакликка кўтарилади, уни тараққиётини таъминлайди.

Бутун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл идрок, фикр илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Эндиликда ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.

Мамлакатимиз келажаги сўзсиз кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонави билимларга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиш учун, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни давр талаби даражасига кўтариш жамиятимизнинг, ҳар биримизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи керак.

## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р .

1. Толипов Н., Абдирасилов С., Орипова Н. Рангтасвир (1-кисм). Т., 2002.
2. Толипов Н., Абдирасилов С., Орипова Н. Рангтасвир (2-кисм). Т., 2003.
3. Абдирасилов С., Толипов Н. "Рангтасвир" Тошкент, Арнапринт. 2005.
4. Абдирасилов С., Толипов Н., Орипова Н. Рангтасвир. Т., Узбекистан, 2006.
5. Бойметов Б. "Қаламтасвир". Дарслик 1 - кием. Тошкент, 2006.
6. Абдурахмонов Г.М. Рангтасвир ва композиция. Тошкент, 1995
1. Абдурахмонов Г.М. Kompositsiya asoslari. "Iqtisod-moliya" Toshkent, 2008
2. Тожиев Б. "Композиция" фанидан маърузалар матни. Низомий номидаги ТДПУ, Тошкент, 2000.
- Байметов Б. "Қаламтасвир". Дарслик 1-кисм.- Тошкент, 2006.
2. Т.Қўзиёв, А.Эгамов, Т.Қаноатов, А.Нурқобилов - Рангтасвир 5-9 синфлар учун "Санъат" Журнали нашриёти, Тошкент - 2003 Т.Қўзиёв; А.Эгамов "Рангтасвир" (5-9 синфлар учун) Тошкент-2008.
- Беда Г.В. Живопись: Учебник для студентов педагогических институтов.- М: Просвещение, 1986.- 192с, ил.
1. Абдурахмонов Г.М. "Рангтасвир ва композициядан методик тавсиялар" 1966.й
2. Абдурахмонов Г.М. "Композиция асослари" 2003.й
3. Ойдинов.Н "Ўзбекистон тасвирий санъат тарихидан лавҳалар" Тошкент 1997.й
4. Бойметов.Б "Қаламтасвир асослари" Тошкент 2001
5. С.Абрасулов.Н Толипов "Рангтасвир" 2005.й
6. М.Набиев "Рангшунослик" Тошкент 1995.й
7. Н.Б.Немцева,Ю.З. Шваб "Ансамбль" Шохи-зинда. Тошкент.1979.й
8. Р.Ҳасанов. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Тошкент фан нашриёти. 2004.й
9. П.Зоҳидов "Меъмор олами" Тошкент 2003.й
10. Н.Абдуллаев "Санъат тарихи" Тошкент 2001.й
11. Р.Ражабов, Ҳ.Султонов, "Тасвирий санъат тарихи" меъморчилик обидалари. Тошкент 2008.й